Беш йилликни муддатидан илгари бажарайлик!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

22-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 36 (5385).

20 ФЕВРАЛЬ ПАЙШАНБА

1975 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА СОВХОЗЛАР МИНИСТРЛИКЛАРИ, «УЗСЕЛЬХОЗТЕХНИКА» БИРЛАШМАСИНИНГ ПАРТИЯ XXIV СЪЕЗДИ ВА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1974 ЙИЛ ДЕКАБРЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА РЕСПУБЛИКА КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИДА ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ВА МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДАГИ ИШИ ТУҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги ва совхозлар министрликлари, «Узсельхозтехника» бирлашмасининг партия XXIV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг 1974 йил декабрь Пленуми қарорлари асосида республика колхоз ва совхозларида техника тараққиётини ривожлантиришни ва меҳнат унумдорлигини оширишни таъминлаш соҳасидаги иши тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қабул қилган қарорида қайд қиладики, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министрлиги, совхозлар министрлиги, «Узсельхозтехника» бирлашмаси техника тараққиётини ривожлантириш тўғрисида партия XXIV съезди ва КПСС Марказий Комитети пленумларининг қарорларини рўёбга чиқариш соҳасида муайян иш қилмоқдалар. Деҳқончилик маданиятининг оширилганлиги, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришнинг прогрессив усуллари қўлланилганлиги, ишларни механизациялаш ҳар томонлама ривожлантирилганлиги республика колхоз ва совхозлари пахта ва бошқа деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда эришган катта муваффакиятларнинг негизи бўлди.

КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг катта ёрдами туфайли, қишлоқ хўжалигига сарфланаётган капитал маблағларнинг йил сайин кўпайтирилаётганлиги, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси мустаҳкамланаётганлиги туфайли республикада ерларни ирригациялаш ва мелиорациялаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини химиялаштириш ва комплекс механизациялаштириш кенг ривож топди. Алмашлаб экиш, қишлоқ хўжалиги экинларини парвариш қилишнинг прогрессив методлари, пахтанинг янги, бир мунча серҳосил навлари жорий этилмоқда. Буларнинг ҳаммаси деҳқончилик маданиятини анча ошириш, далалар ҳосилдорлигини кўтариш имконини берди. Ҳар гектар ердан олинган пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги 1974 йилда 30,8 центнерга, маккажўхори дони ҳосили 56,3 центнерга етди. Шоли, сабзавот, полиз маҳсулотлари, озуқабоп экинлар ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги кўпайди. Чорвачилик маҳсулдорлиги йил сайин ортиб бормоқда. Колхоз ва совхозлардаги механизатор кадрлар ва бошқа оммавий кадрларнинг малакаси ошди, мутахассисларнинг роли ўсди. Илм-фанининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига кўрсатаётган ёрдами кучайди.

Шу билан бирга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети таъкидлаб ўтдики, қишлоқ хўжалиги министрлиги, совхозлар министрлиги, «Узсельхозтехника» бирлашмаси ва уларнинг жойлардаги органларининг ташкилотчилик иш даражаси колхоз ва совхозларда ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг ўсган талабларига, партия XXIV съезди, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС аграр сиёсати масалалари юзасидан сўзлаган нутқларида қўйган вазифаларга ҳали ҳам жавоб бермаяпти.

Техника тараққиёти ва меҳнат унумдорлигини ошириш масалалари мазкур министрликлар ва «Узсельхозтехника» бирлашмаси коллегиялари ва раҳбарларининг ҳали ҳам диққат марказида эмас. Улар ана шу масалалар юзасидан ўз маҳаллий органларининг ҳисоботларини камдан-кам тинглайдилар, колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш борасидаги мавжуд катта имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш учун етарли чораларни кўрмаяптилар.

Колхоз ва совхозларга ҳар хил қишлоқ хўжалик техникаси тобора кўпроқ ҳажмда етказиб берилаётганлигига қарамай, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш технологиясида қўл меҳнатининг ҳиссаси ҳали ҳам каттадир. Бунинг натижасида меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан беш йиллик план топшириқларини бажаришда анчагина қолоқликка йўл қўйилди. Қашқадарё областидаги колхоз ва совхозлар, Сурхондарё областидаги совхозлар ва Хоразм областидаги колхозлар эса меҳнат унумдорлигини 1970 йилдагига нисбатан ҳатто пасайтириб юбордилар. Ана шу областлардаги ва бир канча бошқа областлардаги кўпгина хўжаликларда ишчи кучини-студентлар ва мактаб ўқувчиларини далаларни текислаш, ғўзаларни яганалаш, ғўза қатор ораларини кетмон чопиқ қилиш, тўкилган пахтани териб олиш сингари ишларга оммавий жалб этишдан иборат нотўғри практика ҳали ҳам мавжуддир. Шу билан бирга бунинг учун мавжуд техникадан суст фойдаланилмоқда, уругни аниқ ташлайдиган сеялкалар билан чигит экиш, кенг каторлаб экиш, ғўзаларни механизмлар билан чеканка қилиш, пахтани машинада териш ва шу каби ғўза парваришининг прогрессив усуллари секин жорий этилмоқда.

Чорвачиликда сут етиштириш бўйича меҳнат унумдорлигини ошириш плани 20,7 процент, корамолларни семиртириш бўйича 9,8 процент ва чўчқаларни семиртириш бўйича 24 процент бажарилмай қолди.

1974 йилда республика бўйича ўрта ҳисобда ялпи маҳсулот етиштириш 1970 йилдагига нисбатан 19,5 процент кўпайди, Хоразм областида эса атиги 8,5 процент, Бухоро областида 6,3 процент ошди.

Республиканинг бир қанча областларида пахтачиликда ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг бошқа тармоқларида меҳнат унумдорлиги паст суръатлар билан ўсаётганлигига меҳнат сарфини планлаштиришдаги жиддий камчиликлар сабаб бўлмоқда. Кўпгина хўжаликларда меҳнат сарфини камайтириш кўзда тутилмайди, контрол рақамлар эса ишлаб чиқариш бригадаларигача етказилмайди. Бундай аҳволда меҳнат унумдорлигини ошириш планлари ялпи маҳсулот етиштиришни кўпайтиришда ҳамда меҳнат сарфи ва материал-пул сарфи бирлигига олинадиган маҳсулотни кўпайтиришда ташкилотчи ва сафарбар этувчи кўч бўла олмайди.

Масалан, Фарғона областининг Ўзбекистон районида 1974 йилги планда бир центнер пахта етиштириш учун 6,3 киши-кун сарфлаш кўзда тутилганди. Ҳолбуки, бунинг учун аслида 1973 йилдаёқ 5,8 киши-кун сарфланган эди. Шу райондаги «Кўқон», «Ғаниобод» совхозларида, «Коммунизм» колхозида, Риштон районидаги «Риштон» совхозида, Тошлоқ районидаги «Коммўна» колхозида ҳам ана шундай планлаштиришга йўл қўйилган эди.

Қишлоқ хўжалиги органлари суст контрол қилинганликлари сабабли кўпгина колхоз ва совхозлар маҳсулот етиштириш учун ҳаддан ташқари кўп маблағ сарфлашга йўл қўймоқдалар. Бунинг натижасида 1973 йилда 1 гектар пахтадан олинган соф даромад Хоразм областидаги колхозларда атиги 292 сўм, Фарғона областида — 272 сўм, Бухоро областида 248 сўм бўлди. Ҳолбуки Сирдарё ва Жиззах областларидаги хўжаликларда бундай фойда 405 сўмга етди. Совхозларда етиштириладиган маҳсулотнинг рентабеллиги паст, бунинг натижасида совхозларнинг кўпчилиги зарар келтирадиган бўлиб қолди.

Меҳнат унумдорлигини ошириш ва ялпи маҳсулот етиштиришни кўпайтириш планларини бажаришдаги қолоқлик ер, сув, моддий-техника ва меҳнат ресурсларидан етарли даражада самарали фойдаланмаслик билан боғлангандир.

Қишлоқ хўжалик органлари хўжаликлар ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга кам маблағ сарфлаётганликларига тоқат қилиб келмоқдалар. Бунинг натижасида коллектор-дренаж шоҳобчаларининг узунлиги жуда секин кўпайиб бормоқда. Бухоро, Қашқадарё областларида ва Қорақалпоғистон АССРда бир гектар ерга атиги 13—17,5 погон метрни ташкил этади, ваҳоланки, бу кўрсаткич республика бўйича ўрта ҳисобда 27 метрга боради.

Алмашлаб экишни ўзлаштиришда ҳали ҳам жиддий камчиликлар бор. Хоразм областида ва Қорақалпоғистон АССРда жорий этилган алмашлаб экишнинг ярмидан кўпроғи ўзлаштирилмаган. Андижон областида алмашлаб экиш ғоят секин ўзлаштирилмоқда. Суғориладиган ерларда бедапоялар вужудга келтириш бўйича топшириқлар бажарилмаяпти. Шу билан бирга Хоразм, Андижон ва Бухоро областларида бу соҳадаги план топшириқлари системали равишда бажарилмаётир.

Суғориладиган участкаларни реконструкция қилиш ва йириклаштириш ишлари суст суръатлар билан олиб борилмоқда. 1974 йилда Фарғона, Бухоро ва Хоразм областларида 6 гектаргача катталикдаги участкалар майдонларнинг 40 процентини ташкил этди. Кўпгина далаларнинг ҳажми ва шакли техникадан юксак унумли фойдаланиш талабларига мувофиқ эмас.

Минерал ўғитлардан фойдаланишни яхшилаш соҳасида муайян ишлар қилинди. Илғор хўжаликлар ва районлар ўғитларнинг юксак самарадорлигига эришдилар, ҳар килограмм азот эвазига 15—19 килограммдан пахта олмоқдалар. Бироқ кўпгина колхоз ва совхозларда, шунингдек районларда бир килограмм азот ҳисобига олинаётган пахта 8—10 килограммдан ошмайди. Минерал ўғитларни районлар ва хўжаликлар бўйича планлаштириш ва тақсимлашда, амалда шу ўғитлардан фойдаланишда бузилларга йўл қўйилмоқда. Тупроқ карталаридан ва агрохимия картограммаларидан ҳали ҳамма жойда фойдаланилмаяпти. Кўпгина хўжаликларда ўғитларни сақлаш учун етарли ҳажмдаги типовой омборлар йўқ. Ўғитни сақлашда ва ташишда қўпланиб нобудгарчиликка йўл қўйилаётганлиги сабабли республика ҳар йили қўй миқдордаги пахтани кам олмоқда. Органик ўғитларга етарли баҳо бермаслик фактлари ҳали ҳам тугатилган эмас.

Қишлоқ хўжалик органлари қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш ишини ташкил қилишда катта камчиликларга йўл қўймоқдалар. Зараркунандаларга қарши дорилаш ишлари йил сайин камайиб бормоқда. Чунончи, 1974 йилда Қашқадарё областида бутун пахта майдони ўрта ҳисобда 9 марта дориланди. Хўжаликларда ва «Сельхозтехника» савдо базаларида пестицидларни сақлаш қондалари қўпол равишда бузилмоқда.

Республикада илмий-техника тараққиётини жорий қилиш юзасидан катта тадбирлар амалга оширилмоқда. Уругни аниқ экиш, ерни икки ярусли қилиб ҳайдаш, тупроққа гербицидлар солиш, чигитни кенг каторлаб экиш, ғўзаларни механизмлар билан чеканка қилиш, пахтани машинада териш ва бошқа шу каби прогрессив усуллар кенг қўлланилмоқда. Шу билан бирга илмий-техника тараққиёти юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати қарорида белгиланган топшириқлар бир қанча областларда қониқарсиз бажарилмоқда. Ерни икки ярусли ҳайдаш топшириғи Наманган областида атиги 24,6 процент, Хоразм областида эса 25,8 процент бажарилди. Хоразм областида ва Қорақалпоғистон АССРда чигитни аниқ экиш усули қўлланилмаяпти.

(Давоми иккинчи бетда).

ТОШКЕНТДАГИ «Учқун» галантерея фирмасида Любовь Коняхинани зардбор ишчи сифатида танишади. У зиммасидаги қунлик топшириқларни мунтазам равишда ошириб бажариб, улкан ютуқларни қўлга киритмоқда. Л. Коняхина ҳозирги кунларда ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йили ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаряпти.

А. Тўраев фотоси.

МЕҲРИБОН МУРАББИЙЛАР

Тошкент тўқимачилик комбинатининг 2-тўқув фабрикасида мураббийлик ҳаракати яхши йўлга қўйилган. Бунда айниқса, мастер ёрдамчилари Н. Репин, В. Денисов, тўқувчилар М. Чекмазова, Л. Бойколарининг фаолияти диққатга сазовор.

Бу мураббийлар ўз тажрибаларини ёшларга бажонидил ўргатишмоқда. Уларга шогирд тушган ёш йигит ва қизлар қисқа муддатда ўзлари танлаган касбни пухта эгаллаб, мустақил равишда ишлашга ўтяптилар. Жумладан, З. Назирова, Т. Постникова, Н. Сергиенко каби ёш тўқувчилар илғорлар сафидан ўрин олишди. Ҳозирги кунларда устозлари билан ёнма-ён меҳнат қилиб, кунлик ва ойлик ишлаб чиқариш нормаларини 110—115 процент бажаришмоқда.

Устозларимиз бизга фақат касб ўргатибгина қолишмади, — дейишади қизлар, — балки коллективда киши ўзини қандай тутиши лозимлиги, ҳамкасблар билан ўзаро муомала ва ахлоқ-одоб тўғрисида ҳам сабоқ бердилар. Улардан бир умрга миннатдормиз.

ЖАНГОВАР ЙИЛЛАР ДАЪВАТИ

Юқори Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон» колхозининг янги маданият саройи Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, меҳнат ветеранлари ва ёшлар билан гавжум бўлди. Улар КПС Марказий Комитетининг «Совет халқининг 1941—1945 йилларидаги Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабасининг 30 йиллиги тўғрисида»ги қарорини муҳокама қилмоқ учун бу ерга тўпланишди. Митинги колхоз партия комитетининг секретари С. Турсунов очди.

— Тинчликнинг қадрини биз яхши биламиз, — деди у, — жаҳонда тинчлик бўлсин дея халқимиз жон олиб жон берди. Улуғ Ватан уруши фронтларида биргина бизнинг қишлоқдан 620 киши иштирок этди. Уларнинг кўпчилиги бугунги бахтли ҳаёт учун жонларини қурбон қилдилар. Тинчлик учун тўкилган қон қутлуғ қондир.

Улуғ Ватан уруши қатнашчилари Абдумутал Абдуқодиров, Александр Ким ўртоқлар Буюк Ғалабани таъминлашда халқимиз кўрсатган жасорат тўғрисида гапирдилар. Сўзга чиққан Октябрь революцияси ордени қавалери, етти фарзанднинг онаси Асал Эгамқулова, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Алексей Ким, республикада хизмат кўрсатган механизатор Илёсбой Жабанов, колхоз комсомол комитетининг секретари Э. Дўсинбоев ва бошқа ўртоқлар ватанпарварлик намуналарини кўрсатиб, жанг қилган ҳамқишлоқларига чин қалбдан ташаккур изҳор қилдилар.

Йиғилганлар областнинг барча колхозчилари, совхоз ишчилари ва қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига қарата Мурожаат қабул қилдилар. Мурожаатда барча Буюк Ғалабанинг 30 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга даъват этилган. Хўжалик аъзолари 3 майда коммунистик шанбаликка чиқиб, ўша кун тўпланган маблағнинг ҳаммасини тинчлик фондига топширишга қарор қилдилар.

Е. ЕГОРОВ.

ТОШКЕНТ — И. ВАНОВО

МЕҲНАТ МУСОБАҚАСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ АЙРИМ ТАРМОҚЛАРИНИНГ 1975 ЙИЛ ЯНВАРИДАГИ ИШ ЯКУНЛАРИ

Кўрсаткичлар	Областлар: Тошкент	Иваново
САНОАТ		
Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши — процент ҳисобида	110,6	101,5
Реализация планининг бажарилиш проценти	103,3	101,1
Пландагидан ташқари реализация қилинган маҳсулот — миллион сўмлик	11,1	5,1
Реализация планини бажармаган корхоналар сони	8	23
Саноат ходимлари сонининг ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ўзгариши — процент ҳисобида	103,6	99,5
Меҳнат унумдорлигининг ошиши — процент ҳисобида	106,8	102,0
Меҳнат унумдорлигини ошириш планини бажармаган корхоналар сони	84	101
Калава ишлаб чиқариш планининг бажарилиш проценти	101,1	99,2
Газламалар ишлаб чиқариш планининг бажарилиш проценти	101,6	98,3
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ		
Асосий чорвачилик маҳсулотлари харид қилиш биринчи квартал планининг, барча категориядаги хўжаликларда пландан ташқари харид қилинган маҳсулотлар ҳам қўшиб ҳисобланганда, бажарилиш проценти:		
Қорамол ва паррандалар	49,5	93
Сут	36,2	27
Тухум	35,5	50
Колхоз ва совхозларда 1975 йилнинг январида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва чорванинг маҳсулдорлиги:		
Сўйиш учун реализация қилинган қорамоллар ва паррандалар асосий турлари тирик вазнда — минг тонна	3,4	4,6
1975 йилнинг январида 1974 йилнинг январига нисбатан процент ҳисобида	107,9	120
Соғиб олинган ялпи сут — минг тонна	8,0	20,3
1975 йилнинг январида 1974 йилнинг январига нисбатан процент ҳисобида	109,8	100,8
Товуқ тухуми етиштириш — миллион дона	13,1	20,0
1975 йилнинг январида 1974 йилнинг январига нисбатан процент ҳисобида	129,7	107
Ҳар бир соғин сигирдан соғиб олинган ўртача сут миқдори — килограмм	206	152
1975 йилнинг январида 1974 йилнинг январига нисбатан процент ҳисобида	107,9	92
КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ		
Давлат капитал маблағлари ҳисобига амалга оширилгани — процент ҳисобида:		
Капитал маблағ сарфлаш планининг бажарилиши	74	74
Қурилиш-монтаж ишларининг бажарилиши	82	86
Уй-жой қурилишига капитал маблағ сарфлаш планининг бажарилиши	72	111
САВДО		
Давлат ва кооператив савдо товар оборотн планининг бажарилиши, умумий овқатланиш ҳам ҳисобга киради — процент ҳисобида	101	100,9
Чакана тармоқ товар оборотн	101,3	101
Умумий овқатланиш товар оборотн	100,9	99,0
АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ		
Маиший хизмат кўрсатиш ҳажмининг бажарилиши — процент ҳисобида	103,6	100,1

ОБЛАСТЬ КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ VIII СОЮЗЛАРАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Кеча область касаба союзларининг VIII союзлараро конференцияси бўлиб ўтди.

Касаба союзлари область советининг раиси **А. В. Бранлов** ҳисобот доклади қилди.

Область касаба союзлари ревизия комиссияси иши ҳақида ревизия комиссияси раиси **Г. А. Бокальчук** хисобот берди.

Доклад юзасидан музокараларда Чкалов номидаги Тошкент авиация бирлашмаси касаба союз комитетининг раиси **Ф. Н. Нажмиддинов**, «Бўка» совхозининг механизатори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **М. А. Ковалева**, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи сиёсий бошқармасининг бошлиғи **Н. О. Шчукин**, Бекобод цемент комбинати айланма печи старший машинисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **К. Фармонов**, «Миконд» заводи директори **У. У. Умаров**, қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов ишчи ва хизматчилари касаба союзи область комитетининг раиси **Т. Р. Ражабов**, Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси **В. И. Солдатова**, Ангрендаги кўмир разрези экскаватор машинисти **А. К. Волков**, область комсомол комитетининг биринчи секретари **Ш. Н. Бобоев**, Тошкент медицина институтининг талабаси **Г. Бобожонова**, «Ўзбекхиммаш» заводи мастери **А. Я. Снегирёв**, «Тошкенткабель» заводи директори **Х. Р. Алимов** ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Конференцияда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари **М. М. Мусахонов**, ВЦСПС президиумининг аъзоси **Н. В. Драгунов** ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Конференция ишида ВЦСПС президиумининг аъзоси, Ўзсовпроф раиси **М. А. Зондов**, Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари **В. В. Окунский** иштирок этдилар.

Муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Конференцияда касаба союзлари область совети, область касаба союзлари ревизия комиссияси сайланди.

(Конференция ҳақидаги ҳисобот газетанинг навбатдаги сонида босилади).

ГВИНЕЯ-БИСАУ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ МОСКВАГА КЕЛДИ

Республика давлат комиссарлари кенгашининг бош комиссари (ҳукумат бошлиғи) Гвинея мустақиллиги ва Яшил Бурун ороли Африка партияси раҳбарлигининг аъзоси Франциско Мендес бошчилигидаги Гвинея-Бисау республикасининг партия-ҳукумат делегацияси 19 февралда расмий визит билан Москвага келди.

Гвинея-Бисау республикаси ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Шереметьево аэродромида делегацияни КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Меҳмонларни Совет пойтахти меҳнаткашларининг намояндалари самимий табрикладилар.

Учиш майдонида фахрий қоровул саф тортиб тўрди, ҳар иккала мамлакатнинг давлат гимнлари ижро этилди.

А. Н. Косигин билан Франциско Мендес совет жангчилари сафи олдидан ўтдилар.

Франциско Мендес билан А. Н. Косигин аэродромдан автомашинада мотоциклчиларнинг фахрий эскорти кузатиб борган ҳолда делегация учун ажратилган расмий резиденция томон йўл олдилар.

Автомашиналар кортежи ўтиб борган кўчалар ва майдонлар ҳар иккала мамлакатнинг давлат байроқлари билан ҳамда «Хуш келибсиз, гвинеялик дўстлар!», «Гвинея-Бисау республикаси қаҳрамон халқи намояндаларига кардошлик саломи!», «Совет Иттифоқи ва Гвинея-Бисау республикаси халқлари ўртасидаги дўстлик яшасин ва мустаҳкамлансин!» деган табрик сўзлар ёзилган транспарантлар билан безатилган эди.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

(Бошқ биричи бетда).

Бу топшириқ Қашқадарё областида бор-йўғи 21 процент бажарилди. Ғўзаларни механизмлар билан чеканка қилиш топшириғи яхши бажаридмаяпти.

Бир қанча областларда пахтани машинада териш топшириқлари қониқарсиз бажарилмоқда. Бухоро, Қашқадарё, Фарғона областларида 1974 йилда пахтани машинада териш салмоғи атиги 35—40 процент бўлди. Андижон ва Сурхондарё областларида ҳосилнинг ярмидан камроғи машиналар билан териб олинди. 68 совхоз ва 324 колхоз пахтани машинада териш планини бажармади.

Комплекс механизация пилла-чиликка, сабзавот, картошка етиштиришга, боғдорчиликка, токзорчиликка ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг бошқа тармоқларига сўст жорий этилмоқда.

Машина-трактор паркидан фойдаланишда катта камчиликларга йўл қўйилмоқда. Бунинг натижасида бир қанча областларда шартли тракторнинг ўртача йиллик ва ўртача сменалик иш унуми пасайиб кетмоқда. Масалан, Бухоро областидаги колхозларда шартли тракторга тўғри келадиган ўртача йиллик иш унуми сўнги беш йил ичида 23 процент, Хоразм областида эса 25 процент пасайиб кетди.

Хўжаликларнинг юқори малакали механизатор кадрлар билан яхши таъминланмаганлиги, бир қанча колхоз ва совхозларда ремонт-профилактика базасининг йўқлиги, машина-трактор паркига техникавий хизмат кўрсатиш станцияларининг қурилиши ҳанузгача бошлаб юборилмаган. Бухоро ва Ургандаги ремонт заводлари белгиланган муддатларга мувофиқ қурилмаяпти.

«Ўзсельхозтехника» бирлашмасининг ремонт базалари областлар бўйича нотекис ривожланмоқда. Натижада Қорақалпоғистон АССРда, Сирдарё ва Жиззах областларида ремонт корхоналарининг қуввати эҳтиёжларни таъминламаяпти. Айни маҳалда Самарқанд ва Қарши ремонт заводлари мотор цехларининг қувватидан фақат 50 процент фойдаланилмоқда. «Сельхозтехника» Кўрғонтепа, Жомбой, Иштихон район бирлашмалари устаханаларининг қувватидан фақат учдан икки қисми фойдаланилмоқда. Айниқса Бухоро, Фарғона ва Самарқанд областларида ремонт ишининг паст сифатли бўлишига йўл қўйилмоқда.

«Сельхозтехника» кучи билан машина-трактор паркига техникавий хизмат кўрсатиш атиги 428 колхоз ва совхозда ташкил қилинган. Машина-трактор паркининг қарийб 70 процентига ҳали ҳам техникавий хизмат кўрсатилмаяпти. Сирдарё областида 75 хўжаликдан 9 хўжаликка, Фарғона ва Жиззах областида эса фақат 8 тадан хўжаликка комплекс-техникавий хизмат кўрсатилмоқда. Техника хизматининг прогрессив формалари ғоят суст жорий этилмоқда. Колхоз ва совхозларнинг запас қисмларга ва айрибошлаш фонди узелларига бўлган талабэҳтиёжи тўлиқ қондирилмаяпти.

Оммавий кадрлар тайёрлашни ташкил этишда, колхоз ва совхозларни юқори малакали мутахассислар билан таъминлашда кўпгина камчиликлар бор.

Қишлоқ хўжалик органлари қишлоқ хўжалигида ишларнинг индустриал технологиясига ўтиш муносабати билан меҳнатни ташлик этишни ва унга ҳақ тўлашни такомиллаштириш масалаларига, комплекс механизациялашган бригада ва звеноларни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, хўжалик ҳисоби асосида технология карталари бўйича уларнинг ишини уюштириш масалаларига кам эътибор бермоқдалар.

Илм-фан ютуқларини ва илғор хўжаликларнинг тажрибасини пропаганда қилиш ва жорий этиш соҳасидаги ишлар етарли ҳажмда олиб борилмаяпти, янги техникани реклама қилиш ва пропаганда қилиш, плакатлар, брошюралар, тавсияномалар, проспектлар ва бошқа пропаганда материалларини нашр этиш яхши ташкил қилинмаган, шу мавзулардаги қисқа метражли фильмлар кам суратга олинмоқда. Ҳолбуки, янги техникани пропаганда қилиш ва жорий этиш ишлари учун ажратилаётган маблағлар йил сайин тўлиқ фойдаланмай қолиб кетмоқда.

Айрим область ва район партия комитетлари колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш масалаларига ҳали ҳам етарли эътибор бермаяптилар. Улар ана шу масалаларни суст контрол қилмоқдалар ва хўжаликларнинг иқтисодий кўрсаткичларини ошириш учун колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига қаттиқ талабчанлик қилмаяптилар.

«Ўзсельхозтехника» бирлашмасининг ремонт базалари областлар бўйича нотекис ривожланмоқда. Натижада Қорақалпоғистон АССРда, Сирдарё ва Жиззах областларида ремонт корхоналарининг қуввати эҳтиёжларни таъминламаяпти. Айни маҳалда Самарқанд ва Қарши ремонт заводлари мотор цехларининг қувватидан фақат 50 процент фойдаланилмоқда. «Сельхозтехника» Кўрғонтепа, Жомбой, Иштихон район бирлашмалари устаханаларининг қувватидан фақат учдан икки қисми фойдаланилмоқда. Айниқса Бухоро, Фарғона ва Самарқанд областларида ремонт ишининг паст сифатли бўлишига йўл қўйилмоқда.

«Сельхозтехника» кучи билан машина-трактор паркига техникавий хизмат кўрсатиш атиги 428 колхоз ва совхозда ташкил қилинган. Машина-трактор паркининг

тўғрисида партия XXIV съезди ва КПСС Марказий Комитети 1974 йил декабрь Пленумининг қарорларини бажариш юзасидан колхоз ва совхозларда олиб борилаётган ташкилотчилик ишларини тубдан яхшилаш;

— 1975 йилда ва умуман беш йилликда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан белгиланган план ва олинган мажбуриятларнинг тўла ва ортиғи билан бажарилишини таъминлайдиган қўшимча тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Пахтачиликда, сабзавотчиликда, картошкачиликда, боғдорчиликда, токзорчиликда, пиллачиликда, деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа тармоқларида ишларни механизациялаш даражасини ҳар томонлама ошириш, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг ўсишига асосан меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришиш зарурлигига алоҳида эътибор бериш, маҳсулот таннархини пасайтиришга ва унинг сифатини яхшилашга эришиш, меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларини колхоз ва совхозларнинг саноат ва молия планларига киритишни таъминлаш, топшириқларни ишлаб чиқариш бригадаларига, звеноларга ва фермаларга етказиш, маҳсулот етиштириш учун меҳнат ва маблағ сарфлашнинг улар учун қатъий лимитларини белгилаш, деҳқончилик ва чорвачиликнинг барча тармоқларида ҳақиқатда қилинган меҳнат сарфлари якунларини вақти-вақти билан колхоз ва совхозларда чиқариб туриш;

— колхоз ва совхозларнинг барча турдаги ер-сув ресурсларидан фойдаланишни бутун чоралар билан яхшилашга, деҳқончилик ва чорвачиликнинг илмий асосланган системаларини, тўғри алмашлаб экишни ишлаб чиқаришга жорий этишга қаратиш. Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун мустаҳкам гарантия яратиш мақсадида барча ишларнинг энг қулай, қисқа муддатларда ва юқори сифатли қилиб ўтказилишини таъминлаш;

— минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, бу ўғитларни тўғри тақсимлашни, улар билан хўжаликларни бир текис таъминлашни ва ҳар бир участка учун ўғит солишнинг қатъий табақалаштирилган нормаларини белгилашни таъминлаш, органик ўғитлардан фойдаланишга; уларни минерал ўғитлар билан тўғри қўшиб ишлатишга эътиборни кучайтириш. гербицидлардан, қишлоқ хўжалик зараркунандалари билан кураш олиб бориладиган химиявий воситалардан фойдаланишни яхшилаш;

— қишлоқ хўжалик техникасидан фойдаланиш даражасини кўтариш, машина-трактор агрегатларининг сменалиги ва сменали иш унуми коэффициентини, механизациялаштирилган барча ишларнинг сифатини ошириш. Барча хўжаликларда тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналарини сақлаш ва рўйхатдан ўчириш соҳасида давлат тартибини ўрнатиш. Ҳар бир колхоз, совхозда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барча тармоқларини комплекс механизациялаш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш. Пиллачиликдаги ишларни механизациялашни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш;

— барча турдаги чорва мол ва парранда маҳсулдорлигини оширишни ва уларнинг сонини кўпайтиришни, фермаларда прогрессив механизациялашган технологияни кенг жорий этишни, ем-хашакдан самаралироқ фойдаланишни таъминлаш. Чорвачиликда ихтисослаштиришни, концентрациялашни ва хўжаликлараро кооперация тўғрисида партия йўл-йўриқларини сабот билан амалга ошириш;

— ишлаб чиқариш бригадалари ва звеноларининг охирги натижаларига қараб колхоз ва совхозларда колхозчилар ва совхоз ишчиларининг меҳнатига — аккорд-мукофот ҳақ тўлаш тартибини колхоз ва совхозларда кенгроқ жорий этишни таъминлаш. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва унинг сифати яхшиланишидан ходимларнинг моддий манфаатдорлигини янада ошириш йўлида механизаторлар, сувчилар ва бошқа колхозчилар ҳамда совхоз ишчиларининг меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш ҳақидаги таклифларни уч ой муддат ичида тайёрлаб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика Министрлар Советига тақдим этиш вазифаси топширилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети механизациялаштирилиши мумкин бўлган ишларда қўл меҳнатини қўлланишдан, қишлоқ хўжалиги ишларига студентлар ва ўқувчиларни оммавий суратда жалб қилишдан иборат нотўғри практикани қоралади.

«Ўзсельхозтехника» бирлашмасига хўжаликларга инженер-техникавий ва ишлаб чиқариш хизмат кўрсатиш соҳасидаги камчиликларни тезроқ тугатиш юзасидан тадбирлар кўриш топширилди. Колхоз ва совхозларнинг қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилиш кенгайтирилсин ва унинг сифати яхшилансин. «Сельхозтехника» кучи ва маблағлари билан машина-трактор паркига техникавий хизмат кўрсатишни комплекс техникавий хизмат кўрсатиш тажрибасини кенг ёйган ҳолда оммавий ривожлантириб юбориш таъминлансин. Янги техникани жорий этишда, механизациялаштирилган ишларни амалга оширишда, юк ташиш ва бошқа хизматларни кўрсатишда хўжаликларга бериладиган ёрдам кучайтирилсин. Колхоз ва совхозларнинг трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарининг запас қисмларга, турли материал-техника ресурсларига бўлган талаб-эҳтиёжлари тўлароқ ҳисобга олинсин ва яхшироқ қондирилсин. «Сельхозтехника» область ва район бўлимларининг бутун ишчи колхоз ва совхозларнинг эҳтиёжларини энг кўп даражада қондириш вазифасига бўйсундирилсин.

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министрлигига ва пахта тозалаш саноати министрлигига уруғчиликни концентрациялаш ҳамда уруғлик чигит ишлаб чиқарадиган ва тайёрлайдиган хўжаликлар ҳамда пахта заводларини ихтисослаштириш ишини жадаллаштириш вазифаси топширилди. Шу билан бирга қишлоқ хўжалиги министрлиги ҳосилни машинада териш талабларига мос бўлган тола сифатини оширган ҳолда пахтанинг янги, янада серҳосил, вилтга чидамли ва тезпишар навларини яратиш соҳасида илмий-тадқиқот муассасаларининг ишини кучайтириш лозим.

Ўзбекистон ССР Госпланига, қишлоқ хўжалиги министрлигига, совхозлар министрлигига, «Ўзсельхозтехника» бирлашмасига, Бутуниттифоқ «Союзмашхлопководство» саноат бирлашмасига илмий ва конструкторлик ташкилотларини, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши мутахассислари ва новаторларини кенг жалб қилган ҳолда 1976—1980 йилларда республика пахтачилигида ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида техника тараққиётини янада ривожлантириш тадбирларини ишлаб чиқиш, янги қишлоқ хўжалик техникасини яратиш ва мавжуд техникани такомиллаштириш юзасидан илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларининг йўналишини белгилаш топширилди. Бунда пахтани тўлиқ териш соҳасида терим машиналарининг иш кўрсаткичларини кескин равишда ошириш, сеялкаларнинг экиш аппаратларини, культиваторларнинг, ўғит сочадиган аппаратларнинг, бордорчилик, токчилик ва полизчилик учун ишлатиладиган машиналарнинг иш органларини, пиллачиликдаги, мелиорация-текислаш техникасида ва бошқа ишларни механизациялаштириш асбоб-ускуналарини, мелиорация-текислаш техникаси ва бошқа техникани такомиллаштириш зарурлигига алоҳида эътибор берилиши лозим. Ана шу масалалар юзасидан таклифлар 1975 йил 1 июлгача Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Советига тақдим қилинсин.

Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати министрлиги билан марказий илмий-тадқиқот пахта саноати институти (ЦНИИХПРОМ) индустриал поток технологияга тўлиқ ўтишни таъминлайдиган машинада терилган пахтани қабул қилиш ва қайта ишлаш технологик жараёнини тубдан такомиллаштириш юзасидан таклифларни шу муддат ичида ишлаб чиқиб, тақдим этсинлар.

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министрлигига, совхозлар министрлигига, марказий статистика бошқармасига республика колхоз ва совхозларида меҳнат унумдорлигини ошириш планларининг бажарилиши тўғрисида вақти-вақти билан ҳисобот бериб туришни белгилаш ҳақидаги таклифларни бир ой муддатда киритиш топширилди.

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министрлигига, совхозлар министрлигига, «Главсредазирсовхозстрой»га, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими давлат комитетига ва «Ўзсельхозтехника» бирлашмасига 1975 йилда колхоз ва совхозларнинг механизатор кадрларини ва бошқа оммавий кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, хўжаликлар ва қишлоқ хўжалиги органлари мутахассисларининг малакасини ошириш топшириқларини, шунингдек ҳар бир хўжалик икки смена ишлаш ҳисобидан механизатор кадрлар билан таъминланиши учун қишлоқда механизаторларнинг Умумий таълимини кенг ривожлантириш топшириқларини бир ой муддат ичида ишлаб чиқиб, ижрочиларга етказиш топширилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети область ва район партия комитетларига техника тараққиётини ривожлантириш ва меҳнат унумдорлигини юксалтириш юзасидан маҳаллий қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ва совхозларнинг ишини контроль қилишни кучайтириш, иқтисодий ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини яхшилаш учун хўжалик раҳбарларининг масъулиятини ошириш вазифасини топширди. План топшириқлари ва мажбуриятларни тўла ва ошириб бажариш учун, партиянинг камроқ чиқим қилиб, кўпроқ, сифатлироқ маҳсулот берайлик, деган даъватини рўёбга чиқариш учун социалистик мусобақа кенгайтирилсин. Партия ташкилотларининг барча ташкилотчилик ва сиёсий-оммавий ишларида, лекция пропагандасида меҳнат унумдорлигини ошириш ишида коммунистларнинг авангардлик ролини янада кучайтиришга эришилсин.

Республика газета ва журналларининг редакцияларига, Ўзбекистон информация агентлигига, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети телевидение ва радиоэшитириш, кинематография, нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси давлат комитетларига республика қишлоқ хўжалигида техника тараққиётини ривожлантириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш масалаларини кенг ва чуқур ёритиш, бу соҳадаги илғор тажриба тўғрисида оммабоп тарзда ҳикоя қилиб бериш топширилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ишонч билдирадики, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг ходимлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ва мутахассислари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бутун чоралар билан интенсивлаштириш, техника тараққиётини жадаллаштириш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан партия қўйган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун қўлларидан келган ҳамма ишларни қиладилар ва шу асосда қишлоқ хўжалигини янада зўр бериб юксалтиришга эришадилар.

ЕЛЕНА ПЕРЕГУДИНА «Ташкентхлеб» бирлашмасининг 2-филиалидаги механикатандир цехида меҳнат қилади. У буюк ғалабанинг 30 йиллиги шарафига зарбдор меҳнат вахтасида турно, зиммасидаги топшириқларни мунтазам равишда 105—110 процентга бажаряпти.

И. Зайнутдинов фотоси.

ХАЛҚ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ ЙИҒИЛИШИ

Яқинда Чирчиқ шаҳар халқ судига сайланган халқ маслаҳатчилари йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни меҳнаткашлар депутатлари Чирчиқ шаҳар Совети ижроия комитетининг секретари А. Кузьмина очди ва ўтказилган халқ маслаҳатчилари сайловининг якунлари ҳақида ахборот берди. Янги сайланганларга халқ маслаҳатчиси гувоҳномаси топширилди. Халқ маслаҳатчилари советининг янги состави сайланди.

Йиғилишда шаҳар халқ судьяси У. Қурбонов «Халқ маслаҳатчисининг фахрли бурчи ва ҳуқуқлари» тўғрисида доклад қилди.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

ЯНГИЧА ТАРТИБ

Баъзида шундай бўладики, белгиланган манзилга бораётган темир йўл вагони янглишмовчилик натижасида бошқа станцияга бориб қолади. Бунда юк эгаси ҳам, юкни вақтида элтиб бермагани учун жарима тўлайдиган темир йўл маъмурияти ҳам зарар кўради. Ана шунинг олдини олиш мақсадида АҚШнинг Чикаго районидаги 28 темир йўл битта системага бирлаштирилди. Ҳар бир вагонга рангли йўл-йўл белгилар қўйилади. Йўл бўйлаб ўрнатилган кўзгули аппаратлар ҳар бир вагоннинг ўтишини қайд қилиб, бу ҳақда марказий идорага хабар бериб туради. Энди ҳар бир вагон йўлнинг қайси жойида кетаётганлигини исталган вақтда билиб туриш мумкин.

ТРАНЗИСТОР ЎРНИГА

Кейинги вақтда чиқарилаётган деярли барча радио аппаратлар транзисторлар ёрдамида ишлайди. Аммо, эски хил техникада қамон қўлланилаётган миллиардлаб радиолампа лар-чи? Ахир, уларни 50 минг соат ишлагандан сўнг алмаштириш керак-ку?

Америка фирмаларидан бири радио лампаларни аппаратнинг схемасини ўзгартирмаган ҳолда ўрнини босадиган приборни яратди. Юқори вольтли транзисторлар асосида ишлайдиган бу аппарат лампа ўрнига, унинг уясига ўрнаштириб қўйилса бас. Фетрон деб аталган бу асбоб кам қувват талаб қилади, узоққа чидайди ҳамда ўттиз миллион соат давомида ишлайди.

ЯНА БИР ЛУҒАТ

Дунёда нима кўп, луғат: энциклопедик, тил, географик, фалсафий, иқтисодий ва ҳоказо луғатлар. Яқинда Стокгольмда жаҳонда биринчи экологик терминлар луғати нашр қилинди. Бу луғат орқали атроф табиий муҳити, табиатни муҳофаза қилишга оид 777 сўзнинг изоҳини билиб олиш мумкин.



ТОШКЕНТДАГИ «Электроаппарат» заводи асбобсозлик цехининг ишчиси Шукур Зияев январь ойи социалистик мусобақасида голиб чиқди. Суратда: Ш. Зияев иш устида.

В. Сироткин фотоси.

САМАРАДОРЛИК ЙЎЛИДА

«Далварзин» пахтатозалаш заводи Бекобод районидаги йирик саноат корхоналаридан бири ҳисобланади. Мана, 30 йилдирки, завод ишчи-хизматчилари тўқимачилик саноати учун зарур бўлган хомашёни узлуксиз етказиб бермоқдалар.

Бу давр ичида район меҳнаткашлари етиштирган неча юз мингдаб тонна пахта қайта ишланди. Завод ҳам, ишчилар ҳам камолат сари интилдилар. Корхона қуввати бирнеча ўн мартага ошди. Аввалари бир суткада атиги 5—6 тонна тола қайта ишланарди, деярли ҳамма иш қўл кучи билан бажарилади. Ҳозирги кунда заводда механизмлар ёрдамида ҳар суткада 60—70 тоннадан ортиқ пахта толасига ишлов берилиб, тўқимачилик корхоналарига юборилади.

Заводга кираверишда меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари, коммунистик меҳнат зарбдорларининг суратлари қўйилган «Ҳурмат тахтаси»га кўзимиз тушди. Унда корхона пойдеворини қуришда қатнашган, хозир мардона меҳнат қилаётган кўплаб ветеранларни кўриш мумкин. Жумладан, Йўлдош Ғозибоев завод қурилишининг актив иштирокчиси бўлиш билан бирга илғор ишчи сифатида ҳурмат-эътибор қозонган.

Бош технолог Санд Умеров, пахта тайёрлаш бўлимининг ооошлиги Мамадали Тошматов, ускуналарни созловчи Бобо Жуманазаров ўртоқлар ҳам салкам 30 йилдирки, заводда ишлаб келишяпти.

Ўтган йил ёзида янги ҳосилни қабул қилишга тайёргарлик кўриш билан бир қаторда пахтани қайта ишлаш цехлари ҳам тайёрланди. Чигитдан толани ажратиш цехи янги корпусга кўчирилди, замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Шунингдек, толани тойлаш цехи ҳам янги бинога кўчирилиб. «Д 82—37» маркали пресс ўрнатилди. Бу эса меҳнат унумдорлигини ошириш, ишчиларга қулай шароит яратиш имконини берди.

Айни пайтда ишбилармон, тажрибали ветеран ишчи Бобо Юсупов бошчилигидаги бригада социалистик мусобакада илғорликни қўлдан бермай келмоқда. Бу коллектив якунловчи йилнинг иккинчи квартали ҳисобига меҳнат қилмоқда. Худойназар Оқназаров, Эмине Мамбетова, Турсун Сотиболдиев ва Аҳмад Самадов каби коммунистик меҳнат зарбдорлари бригаданинг фахри. Слесарлардан Умер Сейтметова, Мустафо Бекировлар эса ускуналарни сифатли ремонт қилишиб, уларнинг тўхтаб қолишига йўл қўйишмайди.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда завод рационализаторларининг қўшган ҳиссалари катта. Ўтган йилда уларнинг 18 таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бу таклифлар йилига 18 минг сўм маблағни тежаб қолиш имконини беради. Бойқўзиев ва Ткачев ўртоқлар киритган таклифларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши прессдаги гидронасоснинг бетўхтов ишлашини таъминлаяпти. Рационализаторлардан Белялов ва Дусаевларнинг таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилгач куритиш ва тозалаш цехида меҳнат унумдорлиги анча ошди. Айни пайтда, электр энергиясини тежаш имкони яратилди.

Булардан ташқари, областда биринчи бўлиб 12 та «ЦС-6» маркали чанг қайтаргич циклон ўрнатилди. Улар атмосферани ифлосланишдан сақлайди.

КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаати «Далварзин» пахта тозалаш заводи коллективини ҳам янада кўтаринки руҳда меҳнат қилиш ва якунловчи йил вазифаларини муддатидан илгари ўринлатишга даъват этди. Ишчилар зиммаларига юксак мажбуриятлар олишди. Якунловчи йилда маҳсулот реализация қилиш планини 17 декабргача бажаришмоқчи. Пландан ташқари 1 миллион 500 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади, 100 тонна тола, 30 тонна момиқ ишлаб чиқарилади. Меҳнат унумдорлиги ўтган йилга нисбатан 3 процент оширилади. Маҳсулот таннархини камайтириш ҳисобига 100 минг сўмлик маблағ иқтисод қилинади.

Р. БАГИРОВ.

МОҲИР ПЕДАГОГ, ТАШКИЛОТЧИ

... Янги қурилаётган мактаб биносида пардозлаш ишлари энди бошланган. Теварак-атрофда қурилишдан чиққан чиқиндилар уюлиб ётибди.

Янги очилаётган билим ўчоғига моҳир педагог М. Рашидов директор этиб тайинланганди. Қурилишни тугаллаш, педагогик коллективни ташкил этиш, хуллас, ҳаммаси бошидан бошланиши керак эди... Директорнинг ўқитувчилик фаолияти 9-мактабдан бошланди. У чет тили ўқитувчиси эди. Ишда ўзининг ташкилотчилик қобилиятини кўрсата олганлиги учун кейинчалик 101-мактабга илмий бўлим мудирлигига юборилди. Мактабда бирқанча тарбиявий методик тадбирлар амалга оширилиб, ўзлаштириш икки-уч йил ичида 79 процентдан 91 процентга кўтарилди.

Шу орада 174-янги тўрт қаватли мактаб ишга тушди. Бу ерда ҳам у илмий бўлим мудири бўлди. Янги мактабни синф хоналар, ўқув методик қуроллар билан таъминлашда Маннон ака жонбозлик кўрсатди. янги мактабни биринчи қўнғироққа бекамі-кўст тайёрлади.

Икки-уч йил ўтгач, районда яна 239-янги замонавий мактаб ишга тушиши лозим бўлиб қолди. Бу масъулиятли вазифа ҳам ғайратли коммунист Маннон Рашидов зиммасига тушди. Бу ишончни ҳам у аъло даражада бажарди.

Ниҳоят, 1973 йилда Юнусобод массивида ишга тушган 235-мактабга «қурувчи йигит» деб ном олган Ришидовни директор қилиб тайинланди. Маннон ака оғир юмушдан қочмади. У бор куч-ғайратини ишга солди, мактабни янги ўқув йилига ҳозирлади.

Биринчи йилиёқ 1200 бола мактаб қучоғига тортилди. Адабиёт, рус тили, химия, физика, тарих, биология, математика, чет тили фанлари учун иккитадан кабинет ташкил этилди. Уларга 15 минг сўмлик кўргазмали ўқув қуроллари, асбоб-ускуналар сотиб олинди. Иккита радиоузел, телевизор, кино аппаратлари дарс жараёнларида унумли фойдаланилади. Ана шунинг учун ҳам биринчи ўқув йили якуни ёмон бўлмади.

Мактаб атрофлари тозаланиб, текисланди, ариқлар очилди. Бир йилнинг ўзида 10 минг тупдан ортиқ гул, кўчатлар экилди. «Инсон қўли гул» деганларидек, кечаги кўримсиз майдон обод бўлиб кетди. Директорнинг ўзи чет тилидан дарс беришни давом эттирди.

— Ўқитувчи дарс «мағзи»ни ўқувчига сингдиришга ҳаракат қилиши керак. Бунинг учун ҳар бир дарсга олдиндан пухта ҳозирланиши лозим. Кўргазма қуролларидан унумли фойдаланиши шарт, — дейди ўртоқ М. Рашидов.

Ўқувчиларга пухта дарс бериши, моҳир раҳбарлиги, ташкилотчилик қобилияти билан коммунист педагог М. Рашидов маорифчиларимиз ўртасида яхши обрў-эътибор қозонди.

С. СУЛТОНОВ.

КАРВОН ГДРга БОРМОҚДА

Ўзбекистон ва Туркманистоннинг Қорақум ҳамда Қизилқумдаги фермаларидан Ўрта Осиё туяларидан бир нечтаси Чирчиқ дарёси соҳилида жойлашган Ўрта Осиё зонал зоокомбинати марказий базасига етказиб берилди. Орадан бир неча кун ўтгач, ана шу туялар узоқ сафарга тўғри, темир йўл орқали — Германия Демократик Республикасига жўнаши керак. Берлин ҳайвонот боғи комбинатдан ўттизта туя юборилишини илтимос қилди, тағин учта туя бошқа хорижий мамлакатларга жўнатилади.

Комбинат коллективи янги йилда бажарган биринчи экспорт буюртмаси туялар карвони бўлди. Бу корхонанинг портфелида дашт тошбақалари, саҳродаги ёввойи мушуклар, қорақулоқлар, қор қоплонлари, туртовуқлар ва бошқа жонивор ҳамда паррандалар кўплаб юборилиши сўралган ҳужжатлар бор.

(ЎзТАГ).

ТАШАББУСКОРЛАР

Чиноз районидаги Киров номли колхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова бошлиқ бригада коллективи 1975 йил учун юксак мажбурият қабул қилди. Ўтган йили бу бригада аъзолари ҳар гектар ердан 56 центнердан «оқ олтин» йиғиб олган эдилар. КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатидан руҳланиб Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилган бригада аъзолари беш йилликнинг якунловчи йилида ҳар гектар ердан 60 центнердан пахта етиштириш ва давлатга сотишга қарор қилдилар.

Бу бригаданинг ташаббуси райондаги бошқа хўжаликлардаги илғор бригадалар томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Охунбобоев номли колхознинг Абдураҳмон Боймуродов ва Маҳамадқул Раимқулов, «Қизил Октябрь» колхозидан Парпи Камолов ва Жўра Сайдалиев бошлиқ бригада аъзолари ҳам гектаридан 50 центнердан пахта етиштиришга сўз бердилар.

* * *

Калинин районидаги барча хўжаликларда якунловчи йил ҳосили учун катта тайёргарлик кўрилмоқда. КАРЛ МАРКС номли колхознинг Файзи Мирзаевов бошлиқ бригада сабзаводчиларга ўз зиммаларига катта мажбурият олдилар. Ҳар гектар ердан пландаги 250 центнер ўрнига 400 центнердан сабзавот етиштириш учун курашмоқдалар.

Шу колхоздан Хошим Нуримов бошлиқ бригада сабзаводчилари ҳам гектаридан 350 центнердан сабзавот етиштириш мажбуриятини қабул қилдилар. «Москва» колхозидан Мирза Мустаев, «Қорасув» совхозидан Абдураҳим Шерматов бошлиқ бригада аъзолари ҳам худди шундай юқори ҳосил етиштириш ниятидалар.

* * *

Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Санд Иброҳимов бошлиқ бригада коллективи, шунингдек шу хўжаликдан илғор Санджаббор Сулаймонов бошлиқ бригада аъзолари ўтган йили районда биринчи бўлиб 50 центнерлик маррани эгаллаган эдилар. Бу йил бригада аъзолари КПСС Марказий Комитетининг партияга ва совет халқига Мурожаатига жавобан ўз зиммаларига янада юқсак, гектаридан 52 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олдилар.

Бу ташаббусга шу хўжаликдаги Зоидов ва Умаров бошлиқ бригада аъзолари, Ҳамза номли колхоздан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саодат Гулаҳмедова ҳамда Шарифжон Валижонов бошлиқ бригада аъзолари ҳам қўшилдилар. Улар ҳам гектаридан 50 центнерлик хирмон учун кураш бошладилар.

* * *

Янгийўл районидаги УСМОН ЮСУПОВ номли аграр-саноат бирлашмасининг Меҳриали Усмонов, Бенали Қаҳрамонов, Али Мусаев ва Асил Рустамов бошлиқ бригада аъзолари ҳосилга тайёргарлик юзасидан қишки тадбирларни муддатидан илгари бажардилар. Бу бригада аъзолари ўтган йили ҳар гектар ердан 250 центнердан сабзавот етиштирган эдилар. Сайфулла Катунадзе бошлиқ бригада аъзолари эса 350 центнердан сабзавот олдилар.

Бу йил хўжаликда шу бригадаларнинг тажрибалари ҳар томонлама ўрганилиб кенг ёйилмоқда. Юқорида номлари келтирилган бригадаларнинг ҳаммаси бу йил гектаридан олинадиган сабзавот ҳосилини 300—350 центнерга етказишга қарор қилдилар.

ҲАМИША БАҲОР



Шаҳар атрофидаги хўжаликларда теплица хўжалиги йил сайин кенгайиб бормоқда. Сабзаводчилар аҳолига кўпроқ янги сабзавот етказиб бериш мақсадида самарали меҳнат қилмоқдалар. Суратларда: (чапда) Тошкент теплица комбинати 2-участкасининг сабзаводчилари Алимулла Ҳасанов ва Фарида Мирзабоевалар теплица хўжалигида. (Ўнгда) шу комбинатнинг моҳир цитрусчиси Мастура Раҳимова.

И. Зайнуддинов фотолари.

Мутахассислар маслаҳати

БОҒ ВА ТОКЗОРЛАРДА ЎТКАЗИЛАДИГАН МУҲИМ ИШЛАР

Мевазор ва токзорларда кўчат тўлиқ бўлгандагина мўл ҳосил олиш мумкин. Олинган маълумотларга қараганда, хўжаликларда кўчат хатоси ўрта ҳисобда 10—15 процент ва айримларида эса 15—20 процентни ташкил қилади. Айниқса тупроғида ўсимликка зарарли хлор ва сульфат тузлари бор зоналарда шундай фактларни кўпроқ учратиш мумкин.

Мавжуд боғ ва токзорлардан юқори ҳосил олишдаги зарур омиллардан бири баҳор фаслида ҳар бир хўжаликда хатосига кўчат экиб тўлиқ кўчат бўлишига эришиш лозим. Бу ишни баҳорда ер етилиши билан ўтказилса, кўчатлар нам ва салқин ҳаводан тўлиқ баҳраманд бўлиб, яхши кўкаради. Ҳар хил мева навларини кўпайтириб юбормаслик учун худди шу нав ва турларидан танлаб, илдизлари ва новдаси яхши ривожланган ва стандарт талабига жавоб берадиган кўчатлардан экиш лозим.

Лекин боғ ва токзорларда хатосига кўчат кеч экилса катта дарахтлар билан янги экилган кўчат ўртасида катта фарқ бўлиб, бири олдин, иккинчиси эса кеч ҳосилга киради ва уларга бериладиган парвариш ҳар хил бўлгани учун суғориш, ўғит бериш, қирқиш, шакл бериш, озиқлантириш ишларини ўтказиш мушкуллашади.

Кўчатларни бир ердан иккинчи ерга кўчириб экиш ишларини февраль ойида ўтказилса яхши тутади. Уруғли мева кўчатлари кўчириб ўтказилганда данакли меваларга нисбатан, кўчириб ўтказилган катта ток туплари ва кўчатлари бошқа меваларга нисбатан яхши кўкаради. Токзорларда кўчатни тўлдириш ишлари ток тупроқдан очилганда, март ойида, тоғли зоналарда эса март ва апрель ойининг бошларида ўтказилади.

Агарда, пархеш қилиб кўчат хатосини тўлдиришнинг иложи бўлмаса илдизи яхши ривожланган бир ва икки яшар ток кўчатларидан экилади. Кўчат экиладиган чуқурларнинг чуқурлиги 60—80 сантиметр, кенглиги ҳам шундай қилиб, ҳар бир чуқурга 3—4 килограмм чириган гўнг солиб, чуқурлар яхшилаб заҳлатилгандан кейин кўчат экилади.

Мевазорларга айрим ёввойи ёки кераксиз навлар аралашиб қолганда боғда дарахт танасида шира сув юриши билан уларни керакли нав қаламчаларидан пайвандлаш тавсия қилинади.

Токзорлар ҳам кераксиз ток туплари ўйқотишда уларни боғда искана пайванд қилиш мақсадга мувофиқдир. Бу иш кўп йиллик тажрибага эга бўлган боғбон ва соҳибкорларга топширилади. 3—4 йиллик токлар ҳосилга киради, уларни албатта шпалераларга кўтариш зарур. Шундай қилинганда ток қатор оралари механизация ёрдамида ишланади, ток новдалари яхши чиниқиб пишади, узум бошлари рангдор, серқанд ва хушбўй бўлади. Ток туплари кузда тупроққа кўмиш ва боғда тупроқдан очиш ишларини ҳам тўлиқ механизациялаш имконияти туғилади.

Ток туплари темир-бетон столбаларга кўтариш, кўп йиллик тажрибадан кўриниб турибдики, бу столбалар бир неча йилга чидайди ва сарфланган ҳаражат тезда қайтариб олинади. Еш токзорларда столбалар ўрнатишни қиш фаслида ҳам ток тупроқдан очилгунга қадар давом эттириш мумкин.

Ер етилиши билан боғ ва токзорлар қатор ораси кузда ҳайдалмасдан қолган бўлса, ҳайдашдан олдин гектарига 8—10 тонна органик ўғит, 60—90 килограмм фосфор, 30—50 килограмм соф калий ўғитларидан солинади. Ҳосил 15—20 тоннадан ошадиган токзор ва боғларда ҳар гектарига солинадиган органик ва минерал ўғитлар миқдори 1,5—2 марта оширилади. Ер ҳайдалгандан кейин ариқлар олиб ерда намни тўплаш мақсадида 1—2 марта суғорилгани маъқул.

Мавжуд мевазор ва токзорларда муҳим ишларни ўтказиш билан бир қаторда янги мевазор ва токзорлар барпо қилиш ишига ҳам пухта тайёргарликни кўриш лозим. 1974 йилнинг кузида ва қиш ойларида анчагина мева ва манзарали дарахт кўчатлари экилган бўлса ҳам, планлаштирилган кўчатларнинг кўп қисмини эрта баҳорда ўтказишга тўғри келади. Хўжаликларда баҳор ойида кўчат экиш кампаниясини муваффақиятли ўтказиш учун Ленин орденли Р. Р. Шредер номидаги меванчилик, узумчилик ва виночилик илмий текшириш институтининг кўчатчилик базасидан олма, нок, беҳи, олча, гилос, тоғолча, ўрик, шафтоли каби кўчатларни олиш мумкин.

Янги мевазор ва токзорлар барпо қилишда ерни плантаж плугида чуқур ҳайдаб органик-минерал ўғитларни етарли солиб, мева ва ток кўчатларини тўғри схемаларда экишни ташкил қилиш зарур.

Мева дарахтларини қирқиш билан атрофидан ўсиб чиққан бачки новдаларни олиб ташлашга ҳам алоҳида аҳамият бериш керак. Бундай бачки новдаларни олиб ташлашда чўғиртак новда қолдирмасдан дарахт танасига ёки илдизига тақаб эҳтиётлик билан олиб ташланса, асосий дарахт учун зарур бўлган озуқа моддалар беҳудага сарфланмайди.

Мевазор ва токзорларда қишки ва баҳорги зарур ишларни ўз вақтида ўтказиб, беш йилликнинг якунловчи йилида мевазорлар ва токзорларда мўл ҳосил етиштириб эл дастурхонини ноз-неъматга янада бойитайлик.

М. М. МИРЗАЕВ,
Ленин орденли Р. Р. Шредер номидаги меванчилик, узумчилик ва виночилик илмий текшириш институтининг директори.

М. СОБИРОВ,
Шу институт агротехника бўлими бошлиғи.

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

Г. ВИЛЬСОННИНГ ПАРЛАМЕНТДА АЙТГАНЛАРИ

ЛОНДОН, 19 февраль. (ТАСС). Буюк Британия Бош министри Г. Вильсон Совет Иттифоқига қилган расмий визити чоғида совет раҳбарлари билан олиб борган музокараларининг якунлари тўғрисида умум палатасида баёнот берди.

Биз ўзаро келишувга эришдик, деди Бош министр, ўтказган учрашувларимиз ва имзолаган ҳужжатларимиз иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларда янги босқич бошлаш учун мустаҳкам замин яратди. Биз муҳим халқаро масалалар юзасидан, жумладан Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш тўғрисида гоят фойдали суҳбатлар ўтказдик, деб таъкидлади Бош министр.

Биз муҳокама қилган икки томонлама муносабатларга келганда, деди Бош министр, маслаҳатлашиб туриш тўғрисидаги Совет — Англия протоколи мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда шу протокол асосида янги боб очиш. Совет Иттифоқи билан Англия ўртасида келишувчилик соҳаларини кенгайтириш ҳамда тушуниб етмаслик ва шубҳаларни камайтириш мумкин бўладиган қилиб тузилган.

Г. Вильсон иккала мамлакат ўртасида иқтисодий ва саноат соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш катта истиқболлари белгиланганлигини ҳамда Совет Иттифоқи билан савдо-иқтисодий алоқаларнинг кенгайтирилиши Британия саноатини ривожлантириш ва қўшимча иш ўринлари олиш учун катта-катта имкониятлар яратади, деб таъкидлади.

МАКАРИОСНИНГ МИННАТДОРЧИЛИГИ

НИКОЗИЯ, 18 февраль. (ТАСС мухбири). Кипр президенти Макариос бундай деди: Кипр проблемаси хусусида ТАССнинг кечаги баёнотида равшан таърифланган Совет Иттифоқининг позициясини мен юксак қадрлайман. Кипрдаги турк жамоаси раҳбарларининг қарори шу оролни парчалаб юборишга яна бир марта уриниб кўришдан ҳамда умуман олганда, Кипр проблемасини чет эл манфаатларига мувофиқ тарзда ҳал қилишга мажбур этишдан иборатдир. Алоҳида давлат тузганлигини эълон қилган турк жамоаси раҳбарларининг ўзбошимчалик билан чиқарган қарорига Совет Иттифоқи қарши чиққанлиги учун миннатдормиз.

Президент ТАСС мухбирига берган баёнотида Кипр ҳукумати қурол кучи билан юз берган вазиятга ҳеч қачон рози бўлолмайди, деб таъкидлади. Кипр ҳукумати хавфсизлик кенгашининг ва БМТ Бош ассамблеясининг резолюцияларини бажаришни талаб қилиб, хавфсизлик кенгашига шу хусусда мурожаат қилди. Мен такрор айтаманки, Кипр ҳукумати Кипр масаласи хусусида янада кенгроқ доирада халқаро конференция чақириш тўғрисида Совет Иттифоқининг қилган таклифини тўла равшда қўллаб-қувватлайди. Мен бу таклифнинг амалга оширилиши конструктив қадам бўлади, деб ҳисоблайман.

Кипрнинг мустақиллиги, суверенитети ва территориал бутунлигини тиклаш, унинг территориясидан ажнабий қўшинларни чиқариб юбориш тўғрисидаги куч-ғайратни қўллаб-қувватлаганликлари учун мен яна Кипр ҳукумати ва халқи номидан Совет Иттифоқига миннатдорчилик билдираман, деди президент.

А. БОГОМАЗ.

ЯПОНИЯ. Жаҳоннинг йирик шаҳари — Токио ўзининг 11 миллион 610 минг кишилик аҳолиси ва кўп миллионли автомобиллари билан машҳур. Бу ерда автотранспорт ҳаракатини 2 ва 3 қаватли автомобиль йўллари қуриш билан нормаллаштирилмоқда. Бундай йўлларнинг умумий узунлиги 110 километрни ташкил этади. Суратда: Япония пойтахтидаги уч қаватли йўл.

Жапан пресс—ТАСС фотоси.

АНГЛИЯ ПАРЛАМЕНТИДА МУЗОКАРАЛАР

ЛОНДОН, 18 февраль. (ТАСС мухбири). Британия парламентида лейбористлар ҳукумати томонидан киритилган «Саноат тўғрисидаги қонун лойиҳаси» юзасидан икки кунлик музокаралар бошланди. Кейинги вақтларда шу қонун лойиҳаси Англияда кескин мунозараларга сабаб бўлди.

Янги қонун лойиҳаси экономикада давлатнинг иштирокини бирмунча кенгайтиришни назарда тутади. Корхоналарни миллий бошқарув органини тузиш мўлжалланади. Ҳукумат шу бошқарма орқали компанияларнинг молиявий ёрдами эвазига уларнинг акцияларидан бир қисмини сотиб олиши мумкин ва шу билан мазкур компанияларнинг фаолиятига таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлади.

Бундан ташқари, қонун лойиҳаси қайта ишловчи саноатнинг энг катта фирмаларига ҳукумат билан планли битимлар тузишни таклиф қилади. Саноат министри ва алоқа министри Антони Бенн шу битимларни тузиб чиқиш давомида кампаниялар касаба союзларининг вакилларига ўз кампанияларининг аҳволи тўғрисида информация бериб туришлари керак, деди.

КЕЧА ШОГИРД— БУГУН УСТОЗ

Раҳматулланинг 10-синфни тугатиб, қурилишга келганига эндигина олти йил бўлди.

У объектга биринчи бор қадам қўйганида ҳеч қандай касб ҳунари йўқ эди. 153-трест 12-қурилиш бошқармасининг Василис Золгис бошчилигидаги бригадаси аъзолари уни ҳеч иккиланмай ўз сафларига қабул қилдилар. Раҳматулла ҳам улар ишончини тез кунда оқлаб, сувоқчилик касбини пухта ўрганиб олди, ишни сифатли бажаришда тажрибали сувоқчилардан қолишмайдиган бўлди. Энг қувончлиси, ўз тенгқурлари орасида биринчи бўлиб «Коммунистик меҳнат зарбдори» унвонини қўлга киритди.

Айни кунларда Раҳматулла Мурдиновни Чилонзорда қурилаётган «Енгиндан сақлаш депоси» объектида учратиш мумкин. Яқиндагина устозлар маслаҳатига муҳтож бўлган ёш шогирд — энди ўзи устоз. Қурилишда ишлаш истаги билан келаётган кўплаб ёшларга касб ўргатаётир.

— Чинакам қурувчи бўлиш учун бунинг ўзи камлик қилар экан, — деди Раҳматулла. — Шунинг учун Тошкент қурилиш техникумининг кечки бўлимида ўқиб назарий жиҳатдан ҳам пухта билим олмоқдаман.

З. ИСМАТУЛЛАЕВ,
қурувчи.

„ГУМАНИЗМ—АБАДИЙЛИК ЯЛОВИ" ЯНГИ КИТОБЛАР

Таниқли олим ва таржимон Шоислом Шомуҳамедовнинг бу мақолалар тўплами Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти томонидан чоп этилган.

Тўплам «Шарқ шеъриятида В. И. Ленин сиймоси» номли мақола билан очилади. Унда башарият доҳийси В. И. Ленин образини гавдалантиришга бағишланган шоирларнинг ғоявий баркамол шеърлари орқали Шарқ халқларининг янги тузум асосчисига бўлган меҳр-муҳаббатлари таҳлил қилиб берилган.

Олим ўзининг турли йиллларда ёзган «Форс ленинномасининг бойиши», «Улкан умр якуни», «Умар Хайём ва Ғафур Ғулом», «Жомий ижодида гуманизм шуъалари», «Хинд сеҳргари», «Ажойиб дўстлик саҳифаларидан» каби мақолаларида ҳам эрон, тожик, ҳинд адабиёти намояндалари ижодини таҳлил қилишга, ўзбек адабиёти билан ўзаро ҳамкорликни кўрсатишга уринган.

САҲОВАТ

Сабзаводчилар мўл ҳосил ҳаракатини аллақачон бошлаб юборганлар. Парник хўжаликларида иш қизғин. Кунига минг мингдаб кўчатлар пикировка қилиниб, парвариши кучайтирилмоқда. Полиэтилен плёнкалари тагларида ўстирилаётган пиёз, бодринг, карам кўчатлари тез ривожланяпти.

— Экинни эрта эккан деҳқон доим ютади,— дейди ҳисобот доклади қилган Ленин номли колхознинг раиси Ғиёс Умаров.— Бир ердан йил давомида икки мартадан ҳосил олиб, катта даромад олиш мумкинлигини ўз тажрибамизда кўриб турибмиз. Хўжалик аъзолари бунинг учун ички резервлардан моҳирлик билан фойдаланишди. Техникадан, минерал ва маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланиб, ернинг унумдорлиги оширилди. Илғор тажрибалар ишчиллик билан оммалаштириб борилди.

Бригадалар ўртасида бошланган ўзаро социалистик мусобақа кишиларнинг ишга бўлган муносабатини ўзгартирди. Илғорлар кўпая борди, меҳнат минимумини бажармаган колхозчилар кескин камайди. Бригада бошлиқлари, мутахассислар ишнинг кўзини билиб, масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда раҳбарлик қилдилар. Иш сифатига кўпроқ аҳамият берилди. Ҳисобот йиғилишида ранс ҳар бир бригада участка қилган ишларига алоҳида тўхталди. Мўл ҳосил етиштирган кишиларнинг номлари ҳурмат билан тилга олинди.

Хўжалик аъзолари ўтган йили эртанги экин экишга катта куч беришган эди. Бу ижобий натижа берди. Пешқадам деҳқонлар қилган меҳнатларига қўшимча ҳақ олдилар. Ўтган йили экинлардан 1 миллион 100 минг сўм даромад қилинди. Бунинг ярмидан кўпроғи эртанги етиштирилган сабзаводлар ҳисобига бўлди. Эртанги сабзаводлар пешма-пеш йиғиштириб олиниб, юқори баҳоларда топширилди. Нобудгарчиликка йўл қўйилмади. Айниқса, эртанги «Дербент» карами кўчатлари полиэтилен плёнкалари тагида ўстирилиб тез ҳосилга кирди. Июнь ойида дастлабки ҳосил жўнатилди. 12 гектар ерда 16 тоннадан ҳосил йиғиштириб олинди. 200 тонна карам сотилди. Шунинг эвазига колхоз ҳар гектар ердан 6400 сўм фойда олди. Экинлардан бўшаган майдонга эса кечки картошка, сабзавот экилди. Унинг эвазига эса 2 минг сўм фойда қилинди. Шундай қилиб, колхоз 1 гектар ердан икки марта ҳосил олиб, ҳар гектар ердан ўртача 7 минг сўмга якин даромад қўлга киритилди.

Бодринг етиштиришда полиэтилен плёнкаларидан моҳирлик билан фойдаланилди. 25 гектар ерга бодринг кўчати ўтказилганди. Июнь ойи ичида ҳосилга кирди. 20 тоннадан бодринг сотилди. Гектар бошига олинган даромад 3,4—4 минг сўмга тўғри келди.

Сабзаводчилар картошка етиштиришга ҳам катта эътибор беришиб, бу соҳада ибратли ишларни амалга оширдилар. Эртанги картошкадан олинган маҳсулот 600 тоннага етди.

Ўтган юбилей йили колхоз карам етиштириш ва сотиш планини икки баравар, бодрингни салкам 1,5 баравар, ош лавлагини 6 баравар кўпайтирдилар. Картошка, сабзи, пиёз ва бошқа маҳсулотларни сотиш кўпайди. Пландаги 4435 ўрнига салкам 6000 тонна сабзавот, мева, узум сотилди. Бу ракамлар деҳқонларнинг ҳар гектар ернинг қадрига етиб, самарали меҳнат қилаётганликларини кўрсатиб турибди.

Йиғилишда сўзга чиққан ўртоқлар айрим бригадаларда ҳисоб китоб ишлари кўнгилдагидек эмаслигини, бажарилган ишнинг ҳақиқий аҳволига қараб ҳақ ёзилмаётганлиги тўғрисида гапиришди. Культиваторларнинг барча органлари ишга солинмайди. Оқибатда экинларнинг қатор оралари сифатли юмшатилмай, тезда ўт босиб кетади. Кейин эса яна культивация қилинади. Бу сарф-харажатларни ошириб юбормоқда.

Шароф Назаров сўзга чиқиб, ўзи раҳбарлик қилаётган бригадада якунловчи йилда ҳар гектар ердан 35 тоннадан сабзавот, шу жумладан 40 тоннадан помидор, 15 тоннадан картошка етиштиришга ахд қилинганлиги ҳақида гапирди.

— Юқори ҳосил етиштириш учун курашда — деди у механизациядан кўпроқ фойдаланишимиз керак. Ана шундай қилинмаса ернинг унумдорлигини ошириб бўлмайди. Биз социалистик мусобақа байроғини кенг қулоч ёйдириб, меҳнат унумдорлигини ҳар бир киши ҳисобига 10—12 процентгача оширишга ҳаракат қилямиз. Ортиқча ҳаражатларни кескин камайтирамиз. Эртаги экинларнинг барча турларидан юқори ҳосил олиб, шаҳарликларни мўл-кўл сабзавот билан таъминлашдек олижаноб ишга ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшамиз.

Сўзга чиққан ўртоқлар шунингдек чорва моллар туёғини кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш юзасидан бир қанча қимматли таклифларни ўртага ташладилар.

Йиғилиш қатнашчилари сабзаводчиликни янада ривожлантириш, экинларнинг барча турларидан юқори ҳосил олиш, ҳар бир соғин сигирдан кўпроқ сут топ-ширш юзасидан шу райондаги «Москва» колхози аъзолари билан мусобақа боғлашга қарор қилишди.

Калинин районидаги Ленин номли колхознинг йиллик ҳисобот йиғилиши сабзаводчиларнинг тўқизинчи беш йиллиги якунловчи йилида янада ғайрат билан меҳнат қилиб зиммага олинган социалистик мажбуриятларини ортиғи билан тўла-тўкис бажаришга ахд қилганликларини яна бир бор кўрсатди.

М. ҒОЗИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

УРУШ ТУГАГАН КУН

Борис ГОРБАТОВ,
Мартин МЕРЖАНОВ

1945 йилнинг 8 май куни. Инсоният эркин нафас олган кун.

Гитлер Германияси тиз чўкди. Уруш тугади. Ғалаба!

Бу сўзлардан ҳам кўра оддий, аммо қудратли ва инсонийроқ сўз бормикин дунёда?

Бу кунга еткунча узоқ йўл босдик. Кураш, қон ва ғалабалар йўли бу. Биз ҳеч нарсани аямадик.

Мана, ўша кун келди. Берлин тутун ичида. Темпельгоф аэродроми осмонида қуёш порлайди. Тепамизда — юксак само. Самолётлар пайдо бўлишини кутяпмиз.

Каттакон аэропорт саҳнага ўхшатиб қўрилган. Унинг ангарларига бомба тушиб бузилган, қатор бинолар ёндирилган. Бетондан ишланган майдонда «юнкерс» самолётлари бўлак-бўлак бўлиб ётибди. Оёқ остида бомбаларнинг ўлимтик, мудҳиш парчалари. Бу ер жанг майдони эди. У худди биз босиб ўтган жанг ва ғалабалар майдонини эслатади. Бугун эса у дўстлар ва иттифоқчиларнинг учрашув майдонига айланган. Улар биргаликда бугун ўз хоҳиши-иродаларини мағлуб бўлган душманга ўтказиш учун бу ерга йиғилишган...

Соат роса 12 дан 50 минут ўтганда худди бир чизиққа тизилгандек чиройли бир тарзда қирувчи самолётларимиз осмонга кўтарилади. Улар аэродром устида айланиб учиб, иттифоқчиларнинг самолётлари турган ғарбга қараб йўл олади.

Ярим соат ўтгач Стендаль шаҳридан кўтарилган беш «дуглас» шарққа қараб учади. Улар фахрий қоровул сифатида самолётларимизни кузатиб боришмоқда. Улардан иккитаси олдинда учмоқда.

Соат 14 да Берлиндаги Темпельгоф аэродромига армия генерали Соколовский бошчилигида Қизил Армия қўмондонлигининг вакиллари келишди. Кейин ёнларига, америкача ва инглизча белгилар битилган «дуглас»лар осмонда пайдо бўлади: Улар учиб келиб ерга қўнишади, бетон йўлкалар бўйлаб гириллаб юриб келишади.

Самолётлардан иттифоқчи экспедиция қўшинлари Олий қўмондонлиги делегациясининг бошлиғи, авиация бош маршали сэр Артур В. Теддер, унинг кетидан генерал Карл Спаатс, адмирал сэр Гарольд Берроу, инглиз ҳамда америка армияси ва флотининг офицерлари, газета мухбирлари ва кинооператорлар тушиб келишади.

Армия генерали Соколовский делегация бошлиғи билан саломлашиб, унга Берлин гарнизони бошлиғи ва коменданти генерал-полковник Берзарин ҳамда генерал-лейтенант Боковни таништиради. Америка ва инглиз генераллари ҳамда офицерлари Совет генераллари, офицерларининг қўлини самимий қисишади. Ўзаро қўл олиб кўришишлар, иттифоқчилар ва ғолибларнинг учрашуви бу.

Бошқа бир самолётдан генерал-фельд-маршал Кейтель бошчилигида гитлерчи қўмондонлиги вакиллари тушишарди. Улар индамай, қовоқларини солиб ўтиб боришди. Ҳаммалари генераллик мундири кийиб олишган, орден ва крестлар тақишган.

Новча, озғин Кейтель баъзида бошини буриб, бир ёққа қарайди. У томонда — тутун ичида Берлин кўринади. Улар ўзларини кутиб турган машиналар томон боришади. Фельд-маршал Кейтель машинага ўтириб, дарҳол папкасини очади. Қандайдир ҳужжатларни ўқий бошлайди.

Аэропортнинг бетон йўлларидан, совет қўшинларининг барваста фахрий қоровули олдидан ғолиблар — совет, америка, инглиз генерал ва офицерлари ўтиб боришмоқда. Иттифоқчи қўшинларнинг байроқлари ҳилпирайди. Оркестрлар гиён чалади. Рус қўшинлари бетонга оёқларини зарб билан босиб, росмана марш юриши билан ўтишмоқда. Ҳар бирининг қалбида гўё қуёш порлайди, қуёш!

Ҳамма шу дақиқаларнинг улуғворлигини сезиб турарди. Ҳар бир киши инсоният тақдирини белгиловчи воқеага гувоҳ бўлаётганини тушунарди.

Иттифоқчилар экспедиция кучлари Олий қўмондонлигининг делегация бошлиғи, авиация бош маршали сэр Артур Теддер микрофон олдида нутқ сўзлайди:

— Мен Олий бош қўмондон Эйзенхауэрнинг вакили бўламан. У менга мазкур конференцияда фаолият кўрсатишга ваколат берган. Мен совет маршаллари ва генераллари, шунингдек Қизил Армия қўшинларини кутлаётганимдан беҳад хурсандман. Айниқса шунга хурсандманки, мен уларни Берлинда қутлаяпман. Ғарбдаги ва Шарқдаги иттифоқчилар ажойиб ҳамкорлик самарасида жуда катта ишни амалга оширдилар. Менга ғарбнинг Шарққа энг қайноқ саломларини топширишдек катта шараф юкланган.

Фахрий қоровул бошлиғи полковник Лебедев бу сўзларни қоровулликда турган жангчиларга етказиб, хитоб қилади:

— Бизнинг ғалабамизга — ура!

Маҳв бўлган Берлинда ғолибларнинг қудратли «ура» садолари янграйди.

Шундан сўнг делегацияларнинг аъзолари ва аэродромда ҳозир бўлган ҳамма кишилар Берлин яқинидаги Карл-хорст деган жойга йўл олишади. Бу ерда герман қуролли кучларининг сўзсиз капитуляцияси ҳақидаги актга имзо чекилиши керак.

Йўлимиз вайрон ва мағлуб бўлган Берлин, қўшинларимиз штурм билан олган ўша Берлин орқали ўтарди. Машиналар оқими герман пойтахтидан ўтиб бормоқда. Йўллар тозаланган, аммо йўлкаларда парчаланган ғиштлар, ахлатлар уюми. Байрона уйларнинг кети кўринмайди — бўлар совет артиллерияси ва иттифоқчилар учувчиларининг иши.

Чорраҳаларда шаҳар аҳолиси жим турибди. Ғолиблар Берлин бўйлаб боришяпти. Улар кетидан эса капитуляция бўлган маглуб немис генераллари кетишяпти. Берлин кўчаларидан ўтаётиб, улар кима ҳақда ўйлашаётган эканлар? Парадларни ёки маҳв бўлган сўнгги соатларинимми? Қилмиш-қидирмиш, дейдилар.

Машиналар жангчиларимиз бунёд қилган ғалаба арки остидан ўтиб боришади. Арк устида уч байроқ мағрур ҳилпираб турибди. Остида «Қизил Армияга шон-шарафлар!» шиори ёзиб қўйилган. Машиналар оқими арк остидан ўтади. Кўчалар, вайроналар, йўлда турган одамлар лип-лип ўтиб турибди.

Ниҳоят, Карлхорстга етиб келдик. Берлин яқинидаги бу жой кўз ўнгимизда тарих саҳифасига ёзилади бугун. Гитлер Германиясининг қабри — шу ерда, урушнинг қабри — шу жойда. Бу ерда ҳамма нарса тарихга ёзилади. Собиқ немис ҳарбий-инженерлик билим юртининг шу биносида капитуляция актига имзо чекилади. Демак, шу бино ҳам тарихга ёзилади.

Офицерларнинг емакхона зали. Деворда жанговар ҳамкорлик тимсоли тўртта — совет, америка, инглиз ва француз байроқлари. Столлар устиёшилкулранг мато билан ёпилган. Қисқа, аммо кишини каттиқ ҳаяжонга соладиган, моҳияти зўр бу кенгашнинг ҳамма дақиқалари энди тарих саҳифаларига битилажак. Ҳар бир дақиқани хотирада муҳрлагинг келади.

Залга Совет Иттифоқи Маршали Жуков, Британия авиацияси бош маршали сэр Артур В. Теддер, генерал Спаатс, адмирал сэр Гарольд Берроу, генерал Делатр де Тасиньи ва совет, америка, инглиз ва француз делегацияларининг аъзолари кириб келишади.

Тарихий кенгаш бошланади. У жуда оз вақт давом этди, кўп гап ҳам гапирилмади. Аммо, шу сўзлар ортида урушнинг узоқ йиллари ётарди. Жуков рус тилида, авиация бош маршали Теддер инглиз тилида сўзсиз капитуляция шартларини қабул қилиш учун герман олий қўмондонлигининг вакиллари келганини эълон қилишади.

— Герман олий қўмондонлигининг вакилларини бу ерга таклиф қилинг, — дейди маршал Жуков навбатчи офицерга.

Залга немис генераллари кириб келишади. Олдинда генерал-фельдмаршал Кейтель бормоқда. У обрўси ва ҳатто ғурурини сақлашга уринди, қадам ташлайди. Фельдмаршаллик таёғини олдинга кўтариб, яна туширибди қўяди.

Бу ерда, Берлинда у сўнгги «план-парад»ини бошидан кечирянти. Генерал-адмирал фон Фридебург ва генерал-полковник Штумпф унинг кетидан боришяпти. Орқароқда-адъютантлари.

Маршал Жуков ва авиация бош маршали Теддер эълон қилишади:

— Ҳозир сўзсиз капитуляция актига имзо чекилади.

Немисларга бу гапни таржима қилиб эшиттиришади. Кейтель бош ирғайди:

— Ҳа, ҳа, капитуляция.

— Капитуляция актига имзо чекиш учун улар немис олий қўмондонлиги томонидан ваколат этилганми?

Кейтель ваколатномани топширади. Ҳужжатга гросс-адмирал Дениц қўл қўйган. Ҳужжатга кўра генерал-фельдмаршал Кейтель сўзсиз капитуляция актига имзо чекишга ваколат қилинган.

— Уларнинг қўлида капитуляция борми? Улар акт билан танишиб чиққанмилар? Актга имзо чекишга тарафдормилар?

Ха, бугун шу залда капитуляция, фақат узил-кесил, сўзсиз, шартсиз капитуляция тўғрисида гап борарди.

— Ҳа, розимиз, — дейди Кейтель.

У ҳужжатлар солинган папкани очади, кўзига монокль ойнагини қўндириб, актга имзо чекмоқчи бўлади. Аммо уни маршал Жуков тўхтатади:

— Мен немис бош қўмондонлиги вакилларига, — дейди у дона-дона сўзлаб, — мана бу столга келиб, шу ерда имзо чекишларини таклиф этаман.

У фельдмаршалга қайси жойга ўтишни қўли билан кўрсатади.

Кейтель ўрнидан туриб, столга яқинлашди.

Юзида тўқкизил доглар пайдо бўлади, кўзларида ёш. Стол ёнига ўтириб, капитуляция ҳақидаги актга қўл қўяди, сўнг актнинг ҳамма нусхаларига имзо чека бошлайди. Бу орада бир неча минут ўтади. Ҳамма жим, фақат кинокамералар чиқиллайди. Залда ҳозир содир бўлаётган воқеаларга лоқайд одам топилмайди. Бутун ер юзида, айниқса Совет Иттифоқида бундай лоқайд кишилар умуман йўқ.

Гитлернинг ҳарбий машинаси бизга уруш билан борди. Улар бизнинг шаҳарларимизни ёндириб, далаларимизни оёқости қилишди, одамларимизни ўлдиришди, болаларимиз келажагини ўғирламоқчи бўлишди.

Ҳозир, шу залда гитлерчиларни тиз чўктиришди. Ғолиб маглубга ўз иродасини ўтказди. Инсоният ҳайвонни қуролсизлантирди.

Фельдмаршал Кейтель капитуляция актига имзо чекди. У ўрнидан туриб, залга бир-бир кўз ташлайди. У нима ҳам дея оларди, у нимани ҳам кутарди? Бирдан у жилмайишга ўхшаб кетадиган ифода билан лабларини қимирлатди. Немис делегациясининг столи ёнидаги ўз жойига қайтди.

Аммо, Кейтель стулга ўтиришдан олдин яна фельдмаршаллик таёғини олдинга силкитади, сўнг уни столга қўяди. Капитуляция ҳақидаги актга генерал-адмирал фон Фридебург, генерал-полковник Штумпр қўл қўядилар.

Улар лом-лим деб сғиз очишмайди.

Гапнинг ҳожати ҳам йўқ. Қизил Армия ва иттифоқчиларимиз армияси ҳамма зарур гапларни айтиб бўлишган.

Сўзсиз, шартсиз капитуляция. Гитлерчилардан бошқа нарса талаб қилинмайди ҳам. Немис вакиллари индамай актга қўл қўйишади. Сўнг актга маршал Жуков ва авиация бош маршали сэр Артур Тэддер имзо чекадилар. Сўнг гувоҳлар — генерал Спаате ҳамда француз делегацияси вакили генерал Делатр де Тассиньи қўл қўйишади.

Немис делегацияси аъзолари залдан чиқишлари мумкин. Немис генераллари ўринларидан туриб, залдан — тарихдан чиқишади.

Бу тарихий кенгашда ҳозир бўлган ҳамма кишилар бир-бирларини ғалаба билан ғаб-риклашади. Уруш тугади! Совет Иттифоқи Маршали Жуков инглиз авиацияси маршали Теддер, америка генерали Спатс ва бошқа генералларнинг қўлларини сиқади.

Ғалаба! Бугун инсоннят эркин нафас олиши мумкин. Бугун тўплардан ўқ отилмайди...

Берлин, 9 май.

ОНА ҲАЙКАЛИ

Она...
Тош қотган
Чўзганича қўл.
Кўзида жиққа ёш,
Еқаси ҳам ҳўл.
Назаримда жонланиб —
Шу мармар ҳайкал,
Жангга кетган ўғлин
Сўйлайди ҳар гал:
«Тўққиз ой мен сени,
Сийнамда тутиб,
Она тупроғимда
Олгандим кутиб.
Емайин, едириб,
Қилгандим катта.
Орзум юксак эди
Болам, албатта.
Ҳа, орзум кўп эди,
Ниятим холис.
Вояга етганда,
Сен кетдинг олис.
Олис ўрмонларда
Олиб бординг жанг,
Одамхўр иблиснинг
Ҳолни эзиб танг.
Аммо
дайди ўқ
Келдию учиб,
Жим қолдинг,
Она ер —
Бағрини қучиб.
Йўқ, ўғлим, кўнглимда,
Йўқ, зарра ўкинч;
Ухлайвер, она-юрт, —
Осойишта, тинч»...

Икром СУЯРҚУЛОВ.

ТЕАТР ОТАЛИГИДА

Ўрта Чирчиқ райони маданият учоқларида ижодий кечалар ўтказиб туриш анъанага айланиб қолди. Бундай тадбирларни амалга оширишда Охунбобоев номли республика ёш томошабинлар театри коллективининг ёрдами катта бўлаётир.

Бир неча йилдирки, театр район маданият уйини ўз оталиғига олган. Актёрларнинг ёрдами билан маданият уйида «Спутник» театри ташкил этилди. Ёш актёрлар маҳоратини ошириш, репертуарни танлашни ҳам оталиқ театри ўз зиммасига олди.

Ҳозир ёшлар ҳаётига оид янги асарни саҳналаштиришга киришилди.

А. АЛИЕВ.

ҲАВАСКОРЛАР КОНКУРСИ

Фарғонадаги «Нефтяник» маданият саройи ҳаваскорлари Галина ва Анатолий Барбашевлар, И. Аронова ва В. Гешеле, Тельман номли маданият ва истироҳат боғи ҳаваскорлик клубининг қатнашчилари А. Мордова ва И. Жамолов, Т. Турчина ва В. Турчинлар Киевда ўтадиган замонавий бал рақслари II Бутуниттифоқ конкурсида иштирок этадиган бўлдилар. Бунга улар бал рақслари II республика конкурсида ғолиб чиқиб эришдилар.

«Баҳор» концерт залида ўтган бу конкурсда республикамизнинг 100 га яқин ёш раққослари ва раққосаларн тўрт кун давомида ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Конкурс лауреатлари дипломлар, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

Т. ШОМИРЗАЕВ,

◆ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆

САФАРДАГИ ҒАЛАБА

Тошкентнинг «Бинокор» командаси хоккейчилари мамлакат чемпионатининг навбатдаги турида яна бир муваффақият қозондилар. Ҳамшаҳарларимиз бу гал Хабаровск шаҳрида Армия спорт клуби хоккейчилари билан ўйнадилар.

Биринчи матч тошкентликларнинг тўла устунлигида ўтди. Буни учрашув натижасидан ҳам билса бўлади — 4:0. Иккинчи учрашувда эса тошкентликлар аввалига ўз дарвозаларидан иккита шайба қўйиб юбордилар. Лекин кейинги бўлимларда улар бор кучларини ишга солиб, олдинга ўтиб олдилар. Учрашув «Бинокор» фойдасига 4:3 ҳисобида ҳал бўлди.

Шундай қилиб 41 очко тўплаган тошкентлик хоккейчилар тўртинчи ўринга чиқиб олишди.

ПОЙТАХТ БИРИНЧИЛИКЛАРИ

Волейбол бўйича Тошкент шаҳар биринчилигининг биринчи давра ўйинлари ниҳоясига етди. Эркаклар ўртасидаги мусобақаларда физкультура институти вакиллари жуда яхши ўйин кўрсатиб, пешқадамликни қўлга киритдилар. Улар биринчи давра ўйинларида ҳеч мағлубиятга учрамай еттита очко тўпладилар.

Кейинги ўринларни эса олти очко жамғарган «Меҳнат» жамиятининг 1-командаси ва шу жамиятнинг беш очко тўплаган иккинчи командаси ишғол қилиб турибдилар.

Аёллар ўртасида «Пахтакор» командаси волейболчилари биринчи даврани мағлубиятсиз якунладилар. Физкультура институти спорт клубининг қизлари эса мамлакат биринчилиги ўйинларида бироз чарчаб қолганликлари учунми, маррага иккинчи бўлиб келдилар. Шуниси қувончлики, аёллар турнирида қатнашаётган командалар ўйинчиларининг кўпчилиги асосан ёшлардан иборатдир.

ТОШКЕНТ Давлат университети баскетболчилари «А» класси командалари мамлакат чемпионатида муваффақиятли қатнашмоқдалар. Улар кейинги учрашувларда кетма-кет ғалабага эришдилар. Суратда: Университет ва Фрунзенинг «Политехник» командалари учрашуви. Бу бахсда тошкентликлар 85:69 ва 87:61 ҳисобида ғолиб чиқдилар.

Б. Мазур фотоси. (ЎзТАГ).

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН

АЧЧИҚ САБОҚ

Чирчиқлик Азиз Сейдалиев не-не ниятлар билан ВАЗ 2101 маркали «Жигули» автомобили сотиб олган эди. Энди бўлса...

29 январь куни А. Сейдалиев «қитдек» отиб олди-да, машинасида шаҳарни бир айлангиси келиб қолди. Ширакайф ҳайдовчи 56—93 ТШК номерли машинасининг тезлигини тобора оширар, елдек учиб бораётганидан ўзи ёш бола сингари завқланар эди. У тезликни оширишга қизиқиб кетиб, йўлнинг чап томонига ўтиб кетганини ҳам сезмай қолди. Учиб бораётган машина дарахтга бориб урилди-ю, Азизнинг кайфи тарқалди.

Яхши умидлар билан, бир неча йил давомида турмуш, рўзғордан орттириб тўпланган пулга олинган машина пачақ-пачақ бўлди қўйди. А. Сейдалиевнинг ўзи эса бир ўлимдан қолди.

Ҳозир кўчаларимизда транспорт қатнови зўрайиб кетган. Табиийки, ҳайдовчиларга бўлган талаб ҳам кучаймоқда. Бунинг устига қалин қор ёғиши натижасида областимиз йўлларида транспорт воситаларини бошқариш қийинлашиб қолди. Ана шундай пайтда рулга маст ҳолда ўтириш ҳайдовчини муқаррар жиноятга олиб боради.

21 январь куни Олмалиқ шаҳарида Иван Калинкин ИЖ—П—3 маркали 63—49 ТШД номерли шахсий мотоциклини маст ҳолда бошқариб тезликни ҳаддан ташқари оширди. Пировардида уни бошқара ололмай қарама-қарши томондан келаётган автомобилга бориб урилди. Натижада ўзи ва бирга келаётган дўсти оғир жароҳатланиб, касалхонага тушди.

Кўриб турибсизки, ҳар иккиёқа ҳам ичкилик оқибатида келиб чиқди. Албатта, қонунбузарлар ўз жиноятларига яраша жазо оладилар. «Ичкиликбозликка ва алкоголизмга қарши кураш чораларини кучайтириш тўғрисида»ги қарорда айтилганидек, биринчи марта маст ҳолда транспорт воситаларини бошқарганлар 2 йилгача машина ҳайдаш ҳуқуқидан маҳрум қилинади ва 10 сўмдан 30 сўмгача жарима тўлайди. Беш йил давомида яна шу жиноят қайтарилса, транспорт ҳайдаш ҳуқуқидан 5 йилгача маҳрум қилинади ва унга 50 сўмгача жарима солинади. Ҳар бир ҳайдовчи, айниқса шахсий машинаси борлар бу қонунни алоҳида эсда тутмоқлари керак.

...Яқинда Али Сариев 07—26 ТШЛ номерли «Москвич—412» машинасида Бўкадан Бекобод шаҳрига томон йўл олди. У йўл ҳаракати қоидаларини писанд қилмай, бирин-кетин бошқа транспортларни қувиб ўта бошлади. Қувиб ўтишлардан бирида мўлжални нотўғри олиб қаршидан келаётган автомобилга тўқнашиб кетди ва оғир аҳволда касалхонага тушди. Маълум бўлишича у ҳам йўлга чиқиш олдидан баданим бироз исисин, деб икки пиёла «оқи»дан ичиб олган экан...

Транспорт воситаларини ичиб бошқариш фақат хайдовчининг ишна эмас, у билан бирга кетаётган кишилар ҳаётини ҳам хавф остида қолдиради. Ичкиликка руҳу қилган ҳайдовчининг ҳар қадамда қоқилиши муқаррар. Юқоридаги каби воқеалар бошқалар учун аччиқ сабоқ бўлиши керак.

М. ЙЎЛДОШЕВ,
Тошкент область давлат автомобиль инспекцияси инспектори, милиция старшин лейтенанти.

Реклама ва эълонлар

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ «АЛМАЛИКСВИНЕЦСТРОЙ» ТРЕСТИ БАЗАСИДАГИ

41-ОЛМАЛИҚ ШАХАР ҲУНАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1975 — 1976 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ КАСБЛАР БУЙИЧА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЕРЛАЙДИ:

ҒИШТ ТЕРУВЧИ, БУЕҚЧИ, СУВОҚЧИ.
Ўқиш муддати — бир йил.

ЭЛЕКТР-ГАЗ ПАЙВАНДЧИ, САНОАТ ЭЛЕКТР ҚУРИЛМАЛАРИ МОНТАЖИ ВА РЕМОНТИ БУЙИЧА ЭЛЕКТРОМОНТЕР, АРМАТУРАЧИ-ПАЙВАНДЧИ, СЛЕСАРЬ-САНТЕХНИК, ҒИШТ ТЕРУВЧИ-МОНТАЖЧИ, ДУРАДГОР, СУВОҚЧИ-БУЕҚЧИ.
Ўқиш муддати — икки йил.

МЕБЕЛСОЗ.
Ўқиш муддати — уч йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 7—8 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ 15—25 ЕШЛИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқувчилар кунига уч маҳал иссиқ овқат, форма кийими билан, бошқа шаҳарликлар етоқхона билан таъминланадилар.

Икки йиллик ўқишга 7-синф ҳажмида маълумот билан кирганлар умумтаълим мактабларининг 8—9 синфлари таълимини, 8-синф ҳажмида маълумот билан кирганлар 9—10-синфлар таълимини оладилар.

АРИЗАЛАР — 25 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим; билим юрти директори номига ёзилган ариза, таржимаи ҳоли, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома (асли), турар жойидан справка, медицина справкаси, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, 3х4 см. катталиқдаги 10 дона фотосурат, мактабдан характеристика.

АРИЗАЛАР ҲАР КУНИ ЭРТАЛАБ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Олмалиқ шаҳри, Свердлов кўчаси, 3-уй (2, 3, 6, 9-автобуслар, 1, 2-троллейбусларнинг «Комсомольская» бекати). Телефонлар: 28-78; 28-63.



Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти ректорати, партия ва маҳаллий комитетлари, ҳамда диалектик ва тарихий материализм кафедраси кафедра доценти К. А. Ориповга қизи

ШОҲИДАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов район халқ маорифи бўлими ва касаба союз комитети ҳамда 24-ўрта мактаб коллективи шу мактаб ўқитувчиси С. А. Расуловга отаси

Ориф

РАСУЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент область «Билим» жамияти Президиуми Президиум аъзоси, фалсафа фанлари кандидати К. Ориповга қизи

ШОҲИДАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и облисполкома

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26. ТЕЛЕФОНЛАР Коммутатор — 330249 дан 330258 гача. Эълонлар — 338142.

Р. 01236. Узбекистон Компартияси, Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри. Индекс 64634 Б—2465.